



Норвегияда халол махсулотлар ишлаб чикариш бўйича назорат кучайтирилди. Европа давлатларида халол махсулотлар ишлаб чикариш бўйича бир канча кўнгилсизликлар бўлиб ўтгач, Норвегия хукумати Ислом шариати бўйича тайёрланадиган озик-овкат махсулотлари устидан янада кучлирок назорат олиб бориш лозимлиги тўгрисида эълон килди.

“Биз харидорлар сотиб олаётган гўштларнинг юкори сифатли эканлигини ишонч билан айта оламиз”, - деди Осло гўшт маркази раиси Салмон Шарифий.

“Бизнинг мижозларимиз биздан сотиб олган гўштларининг 100 фоиз халол эканлигига амин бўладилар”, - деб ёзади MuslimEco, OnIslam сайти хаволаси бўйича.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, халол махсулотлар ишлаб чикаришдаги сертификатлаш ва назорат килиш фаолиятини кучайтириш фикри айнан мусулмонлардан чиккан. Ва бу борада мутасаддиларга мурожаат килганлар.

Эслатиб ўтамиз: Норвегияда 2013 йилнинг март ойида ўзини “халол махсулотлар ишлаб чикарувчи фирма” сифатида танитган корхона махсулотларидан йирик микдорда чўчка гўшти топилга; ва натижада мамлакатда каттагина шов-шув кўтарилилганди.

Энг ожиз banda таржимаси